

**“Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ**  
**акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш**  
**БАЁНИ**

2020 йил 14 июл

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Зарқайнар кўчаси манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2020 йил 14 июл куни соат 12:00 да ўтказилди. Йиғилишда 628 500 овозга эга акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 96,69 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 96,69 % га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар ҳокимияти “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари Д.Ганиев қатнашди.

***Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***

Д.Ганиев – Тошкент шаҳар ҳокимияти “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари, Т.Камолов - “Муниципиал активларни бошқариш” ДУК бош мутахассиси, М.М.Нигмаджанов – “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ директори вақтинчалик вазифа бажарувчи.

***Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***

Самадов Алишер Абдуфаёзович.

***Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:***

А.А.Самадов, Г.Абдуллаева ва Н.Норхужаев.

Йиғилишга Д.Ганиев раислик қилди.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятнинг бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.

4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

7. Жамият директорини сайлаш ҳақида.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳақида.

12. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг Жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш

14. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомини янги тахрирда тасдиқлаш.

15. Жамиятнинг 2020 йил фаолиятини текшириш учун Аудиторни тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг қўп миқдори чегарасини белгилаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 5-10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 2 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича директори вақтинчалик вазифасини бажарувчи М.М.Нигмаджанов сўзга чиқиб, 2019 йил фаолияти якуни ижроия органи ва Кузатув кенгаши билан ҳамкорликда, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботини берди.

Сметанинг ялпи даромади режадаги 2 463 553,8 минг сўм ўрнига 3 050 409,6 минг сўм ёки режадан 586 855,8 минг сўмга кўп бажарилди.

Шунингдек, 50 фоизли маҳаллий бюджет ажратмасига режадаги 1 231 776,9 минг сўм ўрнига 1 525 204,8 минг сўм яъни 293 427,9 минг сўм кўп маблағ ўтказилди.

“Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ директори вазифасини вақтинча бажарувчи этиб 2019 йил май ойидан иш фаолиятни бошлаб, жамиятда керакли шtat ўзгартиришлари, ходимлар ойлик маошлари қайта кўрилиши ва оширилиши, жамият ҳудудидаги дўконларга коммунал хизматларини амалга оширишда узилишлар бўлмаслиги учун электр таъминоти буткул янгиланиши каби бир қатор ишлар амалга оширилгани ва жамият директори захира масаласи бўйича камоматни ёпишга ҳам 34,0 млн сўм йўналтирилгани боис жамият 2019 йилни соф фойда режаси 59 454,9 минг сўм бўлса, амалда 80 082,1 минг сўм зарар бўлиб, режа бажарилмади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида *“Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш” 1-иловага\** мувофиқ *схема бўйича амалга оширилиши, ушбу схеманинг кўрсаткичлар мониторингида “Ташиқлотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан ижроия органи хисоботини ҳар чоракда, шу жумладан СЙК(КПЭ) бўйича эшитиб борилиши”, белгиланганлиги боис жамият ижроия органи раҳбари томонидан жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича тайёрланган маълумотлар тингланди.*

Тақдим этилган рақамларга асосан 2019 йил якунлари бўйича олинган СЙК = 84,4 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, **яхши даражада** деб топилди.

Жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси ҳисобот йилидаги Кузатув кенгашининг фаолияти бўйича хисобот берди. Жумладан, Кенгаш томонидан 2019 йил учун тасдиқланган «Бизнес-режа»нинг жамият ижроия органи томонидан бажарилиши таҳлил қилиб борилгани, шу билан бирга жамият ижроия органининг ҳар чоракда хисоботлари тингланиб, мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш ишларини жадаллаштириш, бу каби қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметаси кўрсаткичларини бажариш, белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймасликка доир масалалар кўрилгани, ҳар чорак якуни бўйича жамият ижроия органи раҳбари хисоботлари, смета курсаткичларини бажарилиши бўйича, жамият Тафтиш комиссиясининг жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар тузилган ёки тузилмаганлиги, шунингдек конун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳулосаси тинглаб борилгани хақида хисобот берди (*жамият Кузатув кенгаши хисоботи илова қилинади*).

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича сўз жамиятнинг бош бухгалтери У.А.Эшанкуловга берилиб, Жамиятнинг 2019 йил фаолияти якуни бўйича аудиторлик текшируви «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик фирмаси томонидан текширилган. Аудиторлик текшируви натижалари бўйича жамият молия хўжалик фаолиятини ижобий якунлади. Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Молия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 февралда АФ № 00202—сонли Лицензия берилган, молиявий ахволи бухгалтерия ҳужжатларида ҳаққоний кўрсатилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилик талабларига жавоб беришини ва ижобий баҳо берилганини таъкидлади.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамият қимматли қоғозлари бўйича мутахассиси А.А.Самадовга сўзга чиқиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Жумладан, ушбу хулосада жамият Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга, ҳамда жамият 2019 йил молиявий-хужалик фаолиятини масъулияти чекланган жамият шаклидаги «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (2008 йил 18 февралда АФ № 00202–сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган) аудитори Гулямова Ф.Г. томонидан тўлиқ текширилганлиги (сертификат № 04313, 2005 йил 06 декабрда берилган), молиявий ахволи бухгалтерия хужжатларида ҳаққоний кўрсатилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига жавоб беришини ва ижобий баҳо берилганига асосланиб:

- Адлия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қондалари», пул маблағларини ҳисобга олишни тартибга солишчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга амал қилинганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1999 йилги «Меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмаганлиги;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмоқда. Жамиятда асосий иш жой Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига ҳар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

- Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви хулосаларига таяниб, жамиятнинг 2019 йил молиявий-хужалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ва балансидаги маълумотларининг ҳаққонийлиги тасдиқланганлигини;

- 2019 йил давомида аффилиланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини ҳақида маълум қилди (*тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси У.А.Эшанкулов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якуний баланси ҳақида ахборот берди ва баланс кўрсаткичлари жамият веб-сайтида жойлаштирилганини билдирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича йиғилиш раиси масала юзасидан тулик тушунча олиш мақсадида сузни жамият бош бухгалтери У.А.Эшанкуловга берди. У.А.Эшанкулов сўзга чиқиб, “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ 2019 соф фойда режаси 59 454.9 минг сўм бўлса, амалда 80.082.1 минг сўм зарар бўлганини айтиб ўтди ва олинган зарар инобатга олиш таклифини киритди:

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори вақтинчалик вазифасини бажарувчи М.М.Нигмаджанов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, ҳамда “2020 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Жумладан, бизнес-режадаги 2020 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режаси йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала

Умумий йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи Д.Ганиев сўзга чиқиб, 2019 йил 14 май куни ўтказилган жамият кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори вазифасини бажарувчи этиб Нигмаджанов

Махмуджон Махамдалиевич тайинлангани, жамият Кузатув кенгаши томонидан жамият директори вазифасини бажарувчи Н.М.Нигмаджановнинг 2019 йил якуни бўйича хисоботи маълумот учун қабул қилингани ва жамият Кузатув кенгашининг жамият директори вазифасини бажарувчи Н.М.Нигмаджанов номзодига берилган ижобий хулосасини, жамият директори лавозимига ўрнатилган тартибда танлов эълон қилинганлиги, танлов натижасига кўра битта Нигмаджанов Махмуджон Махамдалиевичдан ариза тушганлигини инобатга олиб, Нигмаджанов Махмуджон Махамдалиевичга акциядорлардан бюллетенларига овоз беришларини билдирди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи масалага** ўтиб, 2020 йилда жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи масалага** ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ корпоратив текширувчи Л.В.Матвеев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 4 октябрдан бошлаб жамиятда “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этилганлигини ва шу муносабат билан жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашни “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилганлигини ва ушбу хулосага асосан жамият “Қониқарли” даражада -305 бал тўплаган деб топилганлигини мажлис аъзоларига тақдим этди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.А.Самадовга сўз берди, А.А.Самадов жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш кераклигини билдирди ва янги тузилмани тақдим этди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.А.Самадов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамият уставини янги тахрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги тахрирдаги Устав лойиҳаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн учинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.А.Самадов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн тўртинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.А.Самадовга сўз берди, А.А.Самадов 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ531-сонли қонун билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” қонунига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани боис жамият Кузатув кенгаши низомини янгилаш кераклигини билдирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн бешинчи** масала юзасидан жамият кимматли қоғозлар мутахассиси А.А.Самадовга сўз берди, А.А.Самадов Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамияти қонунларига ўзгартиришлар киритилганлиги, аудиторни тайинлаш умумий йиғилиш ваколатига ўтганлиги боис, 2020 йил фаолиятини текшириш учун «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотини тайинлаш ва 6 500 минг сўм иш ҳақини белгилаш кераклигини билдирди. Йиллик ставкани қайта молиялаштириш ҳисобини инобатга олиб, иш ҳақи утган йилга нисбатан 1000,0 минг сумга оширилган.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

**(танаффуздан сўнг)**

Санок хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<b>1-масала</b>		<b>2-масала</b>		<b>3-масала</b>	
Ёқлаган	628 500– 100%	Ёқлаган	628 500– 100%	Ёқлаган	628 500– 100%
Бетараф	0 %	Бетараф	0 %	Бетараф	0 %
Қарши	0%	Қарши	0%	Қарши	0%
<b>4-масала</b>		<b>5-масала</b>		<b>6-масала</b>	
Ёқлаган	628 500– 100%	Ёқлаган	628 500– 100%	Ёқлаган	628 500– 100%
Бетараф	0 %	Бетараф	0 %	Бетараф	0 %
Қарши	0%	Қарши	0%	Қарши	0%
<b>7-масала</b>		<b>10-масала</b>		<b>11-масала</b>	
Ёқлаган	628 500– 100%	Ёқлаган	628 500– 100%	Ёқлаган	628 500– 100%
Бетараф	0 %	Бетараф	0 %	Бетараф	0 %
Қарши	0%	Қарши	0%	Қарши	0%
<b>12-масала</b>		<b>13-масала</b>		<b>14-масала</b>	
Ёқлаган	628 500– 100%	Ёқлаган	628 500– 100%	Ёқлаган	628 500– 100%
Бетараф	0 %	Бетараф	0 %	Бетараф	0 %
Қарши	0%	Қарши	0%	Қарши	0%
<b>15-масала</b>					
Ёқлаган 628 500 – 100%		Бетараф 0 %		Қарши 0%	
<b>8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)</b>					
Ирматов Мурод Абдукахарович - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК ижрочи директор.				628 500 та овоз	
Акбарходжаев Лазизхон Турапович - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директор ўринбосари				628 500 та овоз	
Камолов Толмас Каримович - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.				628 500 та овоз	
<b>9.1-масала</b>		<b>9.2-масала</b>		<b>9.3-масала</b>	
Ёқлаган	628 500 – 100%	Ёқлаган	628 500 – 100%	Ёқлаган	628 500 – 100%
Бетараф	0 %	Бетараф	0 %	Бетараф	0 %
Қарши	0%	Қарши	0%	Қарши	0%

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овози билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

**КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР  
АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ  
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин.

(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосаси тасдиқлансин.

(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари тасдиқлансин.

- (Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
5. Жамият 2019 йилни 80 082,1 минг сўм зарар билан яқунлагани инобатга олинсин ва жамиятнинг фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» тасдиқлансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
7. Нигматжанов Махмуджон Махамдалиевич жамият директори этиб сайлансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
8. Жамият Кузатов кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан Ирматов Мурад Абдукахарович (628500 та овоз), Акбарходжаев Лазизхон Турапович (628500 та овоз) ва Камолов Толмас Каримовичлар (628500 та овоз) сайлансин.
9. Жамият Тафтиш комиссиясига қуйидагилар сайлансин:  
Бойсинов Жасур Хасанович – Тошкент шаҳар Ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК Бош мутахассиси  
Ибрагимова Гульчехра Махкамовна – "Эски жува дехқон бозори" АЖ мутахассиси  
Норхужаев Нозимходжа Абдуқодир ўғли – "Авиасозлар дехқон бозори" АЖ мутахассиси  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритилсин ва қайта тасдиқлансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
12. Жамиятнинг янги таҳрирда устави тасдиқлансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
13. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ҳақидаги низомига ўзгартириш киритилсин ва тасдиқлансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
14. Жамиятнинг Кузатов кенгаши ҳақидаги низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).
15. Жамиятнинг 2019 йил фаолиятини текшириш учун «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти тайинлансин ва энг кўпи 6 500,0 минг сўм иш хақи белгилансин.  
(Ёқлаган 628 500 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

Баённома имзоланган сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 йил.

Йиғилиш раиси:



Д.Ганиев

Котиб:



А.А.Самадов